O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

11.2019

научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года

Urganch – 2019

ҳақсўз, ахлоқий пок ва ҳалол, кўпчилик манфаатларини шахсий ғараз-интилишлардан устун қўя олувчи олижаноб кишилардир.

Маърифатпарвар жадидларнинг ҳомийлик борасидаги саховатпешаликлари ҳаммага ўрнак бўлса арзийдиган ўринлари бўлган. Жумладан, Абдулла Авлоний (1878–1943) 1909 йилда Тошкентнинг Дегрез маҳалласида янги мактаб очди. У дарс бериш жараёнида очилаётган янги типдаги мактаблар учун ҳар жиҳатдан қулай бўлган кўплаб дарсликлар яратиш заруратини ҳис қилиб, ўзи ушбу мактаблар учун дарсликлар яратди. У 1909 йилда "Жамияти хайрия" ташкилотини очди ва маҳаллий болалар учун пул йиғиб, тарқатди. Шунингдек, Абдуқодир Шакурий (1875–1943) Самарқанд шаҳрида янги усулдаги биринчи мактабни ташкил қилди. Ўз қишлоғи Ражабаминда 1901 йил янги усулдаги мактабни ишга туширди. У 1908 йили Ражабамин қишлоғида очилган янги усулдаги Абдулқодир Шакурий мактабини Самарқандга, ўз ҳовлисига кўчириб келди ва унга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беради.

Кўриб ўтилганидек, бундай бағрикенглик, саховатпешалик, одамийлик фазилатлари асрлар давомида аждодларимизнинг энг эзгу амали ҳисобланиб, қадриятга айланган. Ушбу қадриятлар момолар, боболар томонидан авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Буларни қўшничилик амаллари, меҳмондўстлик аньаналарида яққол кўриш мумкин. Бир сўз билан айтганда, сахийлик ва бағрикенгликни улуғловчи асарларни, буюк мутафаккир, шоир, ёзувчи ва ҳукмдорларнинг эзгу амалларини тинглаб вояга етган XXI аср ўзбекларида ҳам, шубҳасиз, бундай жиҳатлар шаклланган дир.[1]

Жамила Холмурадова (Тошкент Архитектура-қурилиш институти)

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ ЛЕКСИКАСИДАГИ НОМИНАТИВ-ТАСВИРИЙ ВАЗИФАДА ҚЎЛЛАНУВЧИ СЎЗЛАРНИНГ МАВЗУИЙ ГУРУҲЛАНИШИ

Аннотация. *Мақолада Хоразм достонлари лексикасидаги номинатив-тасвирий вазифада қўлланувчи сўзлар мавзуий гуруҳларга бўлиб тасниф қилинган ва шу йўналишдаги бошқа айрим тадқиқотлар билан қиёсланади.*

Аннотация. *В статье дана классификация номинативно-художественных эпических поэм Хорезма по тематическим группам и производится сопоставительный анализ с некоторыми исследованиями в этой области.*

Annotation. *In this article, the words, which are used in nominative-descriptive function in the lexis of Khorazm's epic poemss have been classified according to the thematic groups and they are compared with other researches.*

Калит сўзлар: *Хоразм, достон, лексика, номинатив, тасвирий, мавзуий, гуруҳ, функция, нарса-буюм, белги-хусусият, миқдор, ҳажм, иш-ҳаракат, ҳолат, ишора, ундов, тақлидий, боғловчи, тушунча.*

Ключевые слова: *Хорезм, поэма, лексика, номинативный, художественный, тематический, группа, функция, предмет-вещь, значения-особенности, количество, объём, действие, обстоятельство, знак, восклицание, подражание, связывающий, понятие.*

Key words: *Khorazm, epic poem, vocabulary, nominative, descriptive, thematic, group, function, thing, sign, peculiarity, count, volume, action, condition, gesture, exclamation, conjunction, concept.*

Сўзлар достон тилида, асосан, номинатив-тасвирий функция бажаради. Достонда кечган воқеа-ҳодисалар, уларда иштирок этган персонажлар хатти-ҳаракати, уларнинг муносабати, ўзаро суҳбатлари, улар тушиб қолган шароит ва вазият тасвирига ҳамда бу тасвирлари тингловчига етказишга хизмат қилувчи лексик бирликлар деярли ўз маъносида

[1] Allworth E.A. The modern Uzbeks: From fourteenth century to the present. USA, Hoover Press Publication 373, 1990, p. 19.

қўлланади. Зеро, муомала жараёнида, информация алмашув пайтида сўзлар ўз маъносида қўлланади, уларнинг бадиий-образли қўлланиши орқали достон тили тасвирига бадиийлик бағишланади. Шуни назарда тутган ҳолда, биз достонда қўлланган лексик бирликларни қайси сўз туркумига оидлигига кўра таснифини келтиришни лозим топдик. Чунки бу, бир томондан, достонда қўлланган сўзлар мажмуи ҳақида, иккинчи томондан, уларнинг таркибий жиҳати юзасидан муайян тасаввур беришга хизмат қилади.

Достонлар тилида нарса ва ҳодисалар номига мансуб сўзларнинг қўлланиши микдоран биринчи ўринда туради, иккинчи ўринни эса иш-ҳаракат англатувчи сўзлар гуруҳига тегишли бирликлар эгаллайди. Бизнингча, мантиқ нуқтаи назаридан ҳам шундай бўлиши лозим. Чунки матнда иштирок этувчи бирликларнинг аксари нарса-ҳодисалар, шахсларнинг номини билдириб ва ўзаро муносабатга киришиб, предикативликни шакллантирувчи иш-ҳаракат англатувчи сўзларга боғланиб, гапни ташкил этишда фаол иштирок этади. Кейинги ўринларни нарса-ҳодисаларнинг (кенг маънода) белгисини билдирувчи ва аниқлаб келувчи сўзлар, ҳаракатнинг белгисини билдирувчи сўзлар, ундан кейинги ўринни эса шахс, нарса-ҳодиса ва ҳаракатнинг миқдорини аниқлаб келувчи сўзлар эгаллайди. Нарса, шахс, белги ва ҳаракатга ишора қилувчи, кўрсатувчи сўзлар кам миқдорни ташкил этади.

I. Нарса ва ҳодисалар номи. Достонларда қўлланган нарса ва ҳодисалар номига мансуб сўзларни шартли равишда қуйидаги мавзуий гуруҳларга ажратиш мумкин:

а) одам танасининг ташқи қисмларини билдирувчи сўзлар: *бош, калла, сар, манглай, қош, кўз, бўйин//мўйин, бўқоқ (бақбақа), юз, лаб//дудоқ, энса, биқин, ягирин, тўш, бел, қулоқ, қўл//ал, юмруқ (мушт), сийна//кўкрак, кўкс, хол;*

б) одам танасининг ички қисмларини билдирувчи сўзлар: *юрак, тил, тиш, қовурға, суяк;*

в) шахснинг ижтимоий мавқеини ва касб-корини билдирувчи номлар: *подшо/пошшо, шоҳ, султон, вазир, дарға, сарбон, саркарда, ясовул, чоповул, қоровул, бахши, баззоз, чавандоз, элчи, катхудо, элчи, мардикор, дарвеш;*

г) қавм-қариндошлик муносабатларини билдирувчи сўзлар: *ота, она, хотин, зан, эр, бобо, бола, қиз, ўғил, ўглон, биби, зурёд, авлод;*

д) махсус жойни билдирувчи номлар: *зиндон, майхона, жиловхона, кўшк, сарой, чодир, ҳарам, хонақо, ўрда, меҳмонхона, мачит;*

е) географик объектларни билдирувчи номлар: *дара, жазира, жар, ёйлоқ, тоғ, чўл;*

ё) фасл ва вақтга оид тушунчаларни билдирувчи номлар: *баҳор, ёз, қиш, куз, чашка (чашгоҳ), кеча, кундуз, тонг;*

ж) озиқ-овқат номлари: *шўрва, нон, таом, сариёғ, бол, новвот, қанд, арақ, шароб, кабоб;*

з) рўзғор буюмларини билдирувчи сўзлар: *коса, қозон, бодя, теша, чиш (сих), пичқи (арра), болта, пойтеша, дарвоза, қоп, товоқ, капча, пичоқ;*

и) шахснинг бир-бирига нисбатан мавқе муносабатини ифодаловчи сўзлар: *устод, шогирд, ошно, қўноқ, меҳмон, қўшни (қўнгиши);*

й) қимматбаҳо металлар, маъданларни билдирувчи сўзлар: *гавҳар, олтин, садаф, маржон, кумуш, тилло, дамир (темир), пўлат;*

к) мева ва экин маҳсулотларини билдирувчи сўзлар: *анор, хурмо, кади, пиёз, гашир (сабзи);*

л) ҳарбий қурол-аслаҳа билдирувчи сўзлар: *шамшир, қилич, дубулға, қалқон, найза, ёй, совут, ойболта, ўқ, милтиқ, тўп;*

м) сув объектлари, у билан боғлиқ тушунчаларни билдирувчи сўзлар: *дарё, денгиз, ҳовуз, канор (қирғоқ);*

н) ҳайвонларни билдирувчи сўзлар: *арслон, шер, қулон, жайрон, от, байтал, ёби, туя, хачир, қўй, қўзи, гаччи (эчки), фил, эшак, нор;*

о) касб эгалари маъносини билирувчи сўзлар: *тўпчи, савдогар, ошпаз, мардикор, бахши, синчи, оташбоз, мулла, қози, номишкор (қуш тутадиган овчи);*

п) диний тушунчаларни билдирувчи сўзлар: *пир, чилтон, эшон, хўжа, ҳақ, олло, жаббор, сайид, ҳаж, мурид.*

Кўринадики, достонларда қўлланган нарса ва ҳодисалар номига мансуб сўзлар, тасвирга олинган воқеа-ҳодисалар, уларнинг иштирокчиси бўлган шахслар, одамларнинг кечмишига бевосита ва билвосита алоқадор бўлган нарсалар билан боғлиқ тарзда қўлланади. Уларнинг асосий қисмини умумистеъмолда бўлган сўзлар ташкил этади.

II. Белги-хусусият англатувчи сўзлар. Достонда ҳақида қўлланган сифатларнинг аксари шахсларнинг белги-хусусиятларини, хусусан, ижобий сифатларини кўрсатишга хизмат қилади. Қолганлари эса табиий объектлар, бино, буюм, қурол, кийим ва бошқаларнинг белгисини аниқлайди. Қуйида уларнинг мавзуий гуруҳларини келтирамиз:

а) шахснинг ижобий сифатларини ифодаловчи сўзлар: *хушбичим, ғайратли, мард, полвон, яхши, хон, лочин, бели боғли, шер юракли, арслон;*

б) одам аъзоларини сифатловчи сўзлар: *гул юзли, инча (ингичка) бел, тархиноли қўл, жаллод кўз, жайрон кўз, нозик қомат, қалам қоши;*

в) шахснинг салбий сифатларини билдирувчи сўзлар: *қарри, хунхор, ҳўкки (букри), ҳаромзода, гиёҳванд, нашаванд, бангги;*

г) ҳажм ва миқдор ифодаловчи сўзлар: *катта, улли, кўна, юқори;*

д) кийим-кечак ва унинг қисмларини сифатловчи сўзлар: *кўҳна, жуфт, зар, малла, силкма;*

е) тоғни сифатловчи сўзлар: *баланд, ола, қора, намли-намли;*

ё) ҳайвонларни сифатловчи сўзлар: *бедов, ола, қўтир, моча, қисқа белли;*

ж) қуролларни сифатловчи сўзлар: *оғир, яшил, кескир;*

з) қиёфани сифатловчи сўзлар: *арслон, йўрға, юмалоқ, жиғали, юпқа, қора, муборак, оқ, оқ-оппоқ, наргис, хумор;*

и) буюмни сифатловчи сўзлар: *тилло, олтин, кумуш.*

Хуллас, достонлар тилида қўлланган белги-хусусият англатувчи сўзлар гуруҳига тегишли сўзлар шахснинг ижобий, салбий жиҳатларини, ташқи қиёфасини, унга тегишли нарса-буюм, кийим-кечак ва шу кабиларнинг муайян белгисини аниқлаб келишга хизмат қилган.

III. Миқдор ва ҳажм тушунчалари номи. Стилистикага бағишланган ишларда соннинг қўлланиши, асосан, меъёр нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Хусусан, у ёки бу сонга қайси қўшимчанинг қўшилиши меъёрий ҳол, қайси бирининг қўшилиши меъёрдан чекиниш ҳисобланади, бирдан ортиқ аниқликни билдирувчи сонлар нарсанинг сон-саноғини аниқлаб келганда, нарса ва ҳодисаларнинг номлари *-лар* қўшимчасини олмаслиги, бир сонининг айрим ўринларда миқдор маъносини ифодаламаслиги ҳақидаги мулоҳазалар билан чекланилади.[1] Бундан кўринадики, миқдор ва ҳажм тушунчалар номлари гуруҳига оид сўзлар нутқда номинатив-тасвирий функция бажаради, нарса-ҳодисаларнинг миқдорини билдириб, гапда аниқловчи бўлиб келади.

Аҳмад бахши вариантида достоннинг анъанавий муқаддимасидаёқ кўплаб миқдор ва ҳажм тушунчаларига оид сўзларни учратамиз. ***Саксон минг*** сони Гўрўғли султонлигидаги Чамбилбел юртининг ***саксон минг*** *хонадондан* иборатлигини аниқлаб келган. Кейинги сўзлар эса Чамбилбелга қўшин тортиб келган душманлар миқдорининг муболағали миқдорини кўрсатишга хизмат қилган: *саккиз подшо, ўн икки минг араб, эллик минг Гуржистон эли, уч юз минг Исфихон эли, уч юз минг Рум эли, уч юз минг фаранг, етти минг тўпчи, етти минг қоровул, йигирма тўрт минг хон, қирқ тўрт шоҳ.*

[1] Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, “Фан”, 1981, 113 – 114-бетлар.

Бир сони, кўплаб адабиётларда айтилганидек, аниқ миқдорни билдириш учун ҳам, номаълум нарсани ифодалаш учун ҳам ишлатилган: *Гўрўғлининг Гаждумбек деган оғасидан қолган **бир** синглиси бор эди. Гулшаҳрижон деб от бериб эди* (Аҳмад бахши. ҚМ. 193).[1] *Дали Меҳтар от устида туриб, йўғон овоз билан Гўрўғлини уйғотмоқчи бўлиб, бир сўз айтиб турибди* (Аҳмад бахши. ҚМ.194).

Бир сўзи айрим ўринда воқеа-ҳодисанинг энг юқори даражада юз берганлигини характерлашга хизмат қилади: *Гўрўғли қирқ йигитига бош бўлиб, қизилбош аскарларига қараб от солди. **Бир** уруш бўлди, замину замон, макину макон **бир** бўлди* (Аҳмад бахши. ҚМ. 201). Бу ўринда иккинчи ***бир*** сўзи ***тенг*** маъносида қўлланган.

Қирқ сони достонда Ҳасанхоннинг ва Гўрўғлининг йигитлари миқдорини кўрсатиш учун қўлланган: *Авазхон ғофилликда туюқсиндан Ҳасанхоннинг устига бориб қолди. Ҳасанхон **қирқ** йигити билан Авазхоннинг атрофини қуршаб олди* (Аҳмад бахши. ҚМ. 194). *Гўрўғли қирқ йигити билан бир оқшом шу ерда ётди* (Аҳмад бахши. ҚМ. 201).

Достон тилида ишлатилганда микдор ва ҳажм тушунчаларининг номи бошқа сўзлар билан ўзаро муносабатга киришиб, кутилмаган тарзда енгил юмор пайдо қилиб, тингловчининг завқини қўзғайди. Ижрочи ва тингловчи мулоқотида кўтаринки кайфият юзага келтиради.

IV. Иш-ҳаракат ва ҳолат белигисини англатувчи сўзлар. Достонлар тилида қўлланган иш ҳаракат ва ҳолат белгисини англатувчи сўзлар ўзлари боғланган феълларни аниқлаб келиши нуқтаи назаридан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

а) ҳаракатнинг пайтини билдирувчи сўзлар: *эрта, шугун, кеча-кундуз, оқшом, бугун, чашка (чаштгоҳ);*

б) ҳаракатнинг ўрнини билдирган сўзлар: *орқа, олдинда, четига, уёқ, бу ёқ, ўнгда, унда, мунда, орроқ (нарироқ), олдидан;*

в) ҳаракатнинг бажарилиш тарзини билдирувчи сўзлар: *осон, тез, аста-секин, зўрдан, зартанг-забартанг, ноилож.*

Кўринадики, бу тартибдаги сўзлар, асосан, кечаётган ҳаракатнннг пайтини, ўрнини ва қай тарзда бажарилиш тарзини аниқлаб келади, шу билан бирга, тасвирнинг тўлақонли бўлишини таъминлайди.

V. Ишора билдирувчи сўзлар:

а) кишилик олмошлари: *ман (мен), сан (сен), у, биз;*

б) кўрсатиш олмошлари: *ушбу, бу, ул, ана шу, бу, шуб а(ни);*

в) сўроқ олмошлари: *на, не, навчун//нувчун, ничча, ничик;*

г) ўзлик олмоши: *ўз.*

д) бўлишсизлик олмоши: *ҳеч нарса, ҳеч ким;*

е) белгилаш олмошлари: *бари, ҳамма, ҳар қайси, ҳар тури.*

Ишора билдирувчи сўзлар ўз табиатига мувофиқ достонлар матнида ҳам шахс, нарса-ҳодиса ва шу кабиларнинг номларини алмаштириб келади, уларни кўрсатишга, уларга ишора қилишга хизмат қилади.

VI. Ундов сўзлар: *ҳай, ҳай, ҳов, ҳо, эй* каби.

Айрим ундовлар: *қир, ур, бор, сур* сингари сўзлар билан қўлланади: *қир-ҳо-қир, ур-ҳо-ур, бор-ҳо, сур-ҳо* каби.

VII. **Тақлидий сўзлар:** *виз, дағ-дағ, шувв, ялт-юлт* каби.

VIII. Боғловчилардан *билан* тенг боғловчиси *минан* тарзида учрайди. Ушбу боғловчининг *ва, ҳам, ҳамда* синонимлари, умуман, учрамади. Бу ҳол ҳам достон тилининг ўзига хос жиҳатини кўрсатувчи белгиси сифатида қайд этилиши мумкин.

---

[1] Аҳмад бахши Матназаров – Аҳмад бахши тарзида, “Қирқ минглар” достонини ҚМ тарзида келтириб, достоннинг “Шарқ юлдузи” журналида чоп қилинган вариантидан фойдаланилганлиги сабабли, журнал бетларини кўрсатиб ўтдик (1992 йил 2-сон).

Э.Бегматовнинг ишида ўз қатламнинг тематик гуруҳлари қисмида феъл туркумига мансуб сўзлар тўрт: объектив-нейтрал ҳаракат номлари, ижобий ҳаракат номлари, салбий ҳаракат номлари, психик ҳолат ва жараёнлар номлари гуруҳларига ажратилган.[1] Ушбу мақоламизда дарслик ва илмий адабиётлардаги нисбат, майл юзасидан айтилган фикрларни такрорламаслик учун феълларни мавзуий гуруҳларга бўлишни лозим топмадик.

Демак, достонлар матнида қўлланган у ёки бу гуруҳга мансуб бирликлар достон воқеаларида иштирок этган шахслар, шахслар кечмишида воқеа ва ҳодисалар, уларнинг белгиси, миқдори, ҳолати ва ҳаракати кабилар тасвири билан узвий боғликдир.

Касимова Раъно Рахматуллоевна (Бухоро Давлат университети, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Зиядуллаева Азиза Акмаловна (Бухоро Давлат университети Хорижий тиллар факультети 3- боқич талабаси)

ЎЗБЕК МОТАМ ЙИҒИЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИДА МИЛЛИЙЛИКНИНГ САҚЛАНИШИ

Аннотация. *Мақолада ўзбек мотам йиғиларининг инглизча таржимасида миллий руҳнинг ифодаланиши қиёсий-тавсифий усулда тадқиқ этилган.*

Аннотация. *В статье посредством сопоставления анализируются способы выражения национального духа в английских переводах узбекских траурных песен «йиғи". В исследовании применялись сопоставительные и описательные методы.*

Annotation. *In the article, the expression of national spirit in the translation of Uzbek mourning wailings into English was studied in comparative and descriptive way.*

Калит сўзлар: *миллийлик, халқ ижоди жанрлари, йиғи, мотам ёр-ёрлари.*

Ключевые слова: *национальная духовность, фольклорные жанры, "йиғи (плачи)", траурная песнь "ёр-ёр".*

Key words: *national spirit, folklore genres, wailing, lament song "yor-yor".*

Мотам маросими фольклори намуналари мазмунан ҳазин ва мунгли бўлишига қарамай, бир тилдан бошқа тилга қизиқиш билан таржима қилинганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Эҳтимол, бунга мотам қўшиқларининг бошқа халқ қўшиқлари сингари этнографизмларга бойлиги, халқ турмушини, эътиқодий қарашларини ўзида кенг мужассамлаштириб келиши маълум бир сабабдир. Жумладан, ўзбек мотам маросими фольклори намуналари ҳам шундай қизиқиш ва эътибор билан инглиз тилига ўгирилганлигига шоҳид бўлиш мумкин. Бунга Селами Фидокор, Марк Диккенс, Ҳ.Вамбери, сингари олимларнинг ишлари ёрқин мисол бўла олади.

Селами Фидокорнинг мақоласида ўзбек фольклоршунослигида мотам маросимининг ўрганилиш масаласига эътибор қаратилган. Айниқса, унинг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти масаласини монографик аспектда махсус ўрганган Д.Ўраеванинг илмий қарашларига алоҳида муносабат билдирилган. Олим бу мақоласида ўзбек мотам маросими фольклорининг мамлакатимиз фольклоршунослик илмида тадқиқ қилиниши билан танишар экан, бу борада изланишлар олиб борган Музайяна Алавия, Баҳодир Саримсоқов, Дармоной Ўраева каби олимларнинг фикр-мулоҳазаларидан қатор иқтибослар келтиради. Б.Саримсоқовнинг "мотам ёр-ёрлари", Д.Ўраеванинг "мотам аллалари" хусусида билдирган маълумотлари билан қизиқади.

Йиғи, мотам аллалари, мотам ёр-ёрлари, Наврўз йўқлови, Ҳайит йўқлови, йўқлов-ёр-ёр, алла-йўқлов, етти йўқлови, қирқ йўқлови ва йил синди йўқловлари сингари мотам

[1] Баскаков Н.А. Состав лексики каракалпакского языка и структура слова. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. ТГУ. Лексика. Москва, 1962, с. 69 – 101.

Рўзметов Расул Тангирберганович. Ёш футболчиларни техник-тактик ҳаракатларга тайёрлашда ўргатиш дастурининг тузилиши.....87
Қулдошев Аслиддин Турсунович. Таълим жараёнини ислоҳ қилиш ва инновацион педагогик технологияларни қўллаш зарурати.....90

ILMIY AXBOROT

Рахмонова Азизахон Абдугафуровна. Тилшуносликда миллий корпус яратишнинг муҳим аҳамияти.....93
Салимова Нозима. Инглиз ва ўзбек тили нутқий маданиятига хос мулоқот шакллари.....95
Babayeva Gulnozaxon. Qiyosiy tipologik metod haqida.....99
Абдуллаев Бегзодбек. Сарлавҳа – рекламанинг муҳим элементи сифатида.....103
Махмараимов Шавкат Тухташович. Фармакологик билимларни шакллантириш орқали бўлғуси тиббиёт ходимларида тадқиқотчилик компетенциясини ривожлантириш.....106
Tilavova Umida Qahramonovna. Informatsion etikaning mazmun-mohiyati va metodologik asoslari.....110
Махсудова Нилуфар Абдурасуловна. Қадриятга айланган эзгу фазилат.....112
Жамила Холмурадова. Хоразм достонлари лексикасидаги номинатив-тасвирий вазифада қўлланувчи сўзларнинг мавзуий гуруҳланиши.....116
Касимова Раъно Рахматуллоевна, Зиядуллаева Азиза Акмаловна. Ўзбек мотам йиғиларининг инглизча таржималарида миллийликнинг сақланиши.....120
Камолова Санобар Жабборовна. Француз матнларида антропонимнинг интенсионал қўлланиши.....126
Нурматов Сирожиддин. Ҳиндий тили саноқ сонларида вариантлилик хусусиятлари.....129
Зоиров Алишер Абдугаппорович. Қўшма сўзларнинг когнитив хусусиятлари.....133
Турсунов Мирзо Махмудович. Когнитив тилшуносликнинг асосий тадқиқот предмети ҳамда “концепт” тушунчасининг фандаги ўрни.....136
Муратова Дилором Махмудовна. Туризм терминологиясига назарий қараш.....142
Худойбердиева Нигора Шерали қизи. А.Навоий асарларининг французча таржимасида ранг символикасининг берилиши.....145
Арслонов Абдимурод Кароматович. Амир Темур ҳақидаги достонларнинг манбалари ва уларнинг жанр хусусиятлари.....148
Sultanova Saida. Translation Peculiarities of Economic Texts.....151